O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Ушбу сонда:
МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРНИНГ АМАЛДАГИ НАМОЁНИ 3
ИСТИҚЛОЛ МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА 4
“АДОЛАТ”НИНГ ҲИССАСИ
XXI АСР НАФАСИ

**MEZON:**

1-МОДДА. *Ўзбекистон — суверен демократик республика. Давлатнинг “Ўзбекистон Республикаси” ва “Ўзбекистон” деган номлари бир маънони англатади.*

2-МОДДА. *Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.*

3-МОДДА. *Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади.*

*Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир.*

4-МОДДА. *Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.*

*Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади.*

5-МОДДА. *Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари — байроғи, герби ва мадҳиясига эга.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

№ 32 (438)
2005 йил
30 август
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

## ИСТИҚЛОЛ — ЭНГ БУЮК НЕЪМАТ




Ҳар бир онгли инсон учун ўз она Ватанини озод кўриш, эркин меҳнат қучоғида яшаш ва меҳнат қилиш чинакам бахт ҳисобланади. Чунки инсоннинг озодлиги, хоҳиш-иродаси ўз қўлида бўлсагина, у тақдирини ўзи белгилайди, тарихи, бугуни ва келажагига эгалик қилади. Зотан, истиқлол бизга ўзлигимизни англаш, аждодлар удумини тиклаш, шонли тарихимизни ўрганиш, дунё халқлари қаторида бошимизни мағрур кўтариб юрган ҳолда буюк келажагимизни барпо этиш имконини берди.

Шу ўринда давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг қуйидаги сўзларини яна бир бор таъкидлаш жоиз: **“Бизни танлаган йўлимиздан ҳеч ким ҳеч қачон қайтара олмайди, зотан, ватанга бўлган меҳр-муҳаббат ҳар қандай муаммони ечишга, ҳар қандай ёвуз кучни енгишга қодирдир. Энди ортга йўл йўқ. Ўзбекистон истиқболини собитқадамлик билан барпо этмоғимиз зарур. Бу йўлда иккиланмоқ, манфаатпарастликнинг майда-чуйда ташвишларига ўралашмоқ — Ватанга, халққа, келажак авлодга хиёнат бўлади.**

**Истиқболдаги Ўзбекистон — Ватан озодлиги насиб этмаган боболаримизга улуғвор ҳайкал бўлажак! Ўзбекистоннинг шуҳратига шуҳрат қўшувчи фарзандларимизга муқаддас бешик бўлажак”.**

Мана шундай азму қарор билан мустақил давлатимизни барпо этишга киришилганига айни кунларда ўн тўрт йил тўлади. Улуғ байрам — истиқлол кунини нишонламоқ эса халқимизнинг муқаддас айёмига, қутлуғ анъанасига айланди. Бу кунни шарафламоқ, унинг қадрини юксак тутмоқ ҳар бир ватандошнинг шарафли бурчи. Ёруғ дунёга келмоқ ҳар биримиз учун қанчалик ноёб неъмат бўлса, ватанда муносиб яшамоқ, меҳнат қилмоқ, яратмоқ ва ортимиздан келаётган авлодларимиз ишонч билан эргашишига лойиқ из қолдирмоқ барчамиз учун бурч эканини теран тушуниб етмоғимиз лозим. Бунга эса бизни истиқлол бурчли этади. Зотан, истиқлолни тушуниб етмоқ, уни кўз қорачиғидек асрашга ўрганмоқ, ўзликни англаш ва келажакни ёрқин тасаввур этмоқ буюк сабоқдир. Бу дарсни бизга айни кунларда ўн тўрт йилликни улкан шодиёналар билан нишонлашга киришган буюк неъмат — Истиқлол беради.

Ҳаммамизга Истиқлол байрамимиз муборак бўлсин!

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

## *ФАРМОНИ*

### Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 14 йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

***Мамлакатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, сарҳадларимиз дахлсизлигини ва миллий хавфсизликни таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:***

**“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими”**

**Бандин Анатолий Федорович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Кўчқоров Тоҳир Анварович** — Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультети бошлиғининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари

**“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи”**

**Назаров Икром Усмонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг жисмоний тайёргарлик ва спорт кафедраси ўқитувчиси

**“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист”**

**Тошматов Валижон** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

***Мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида ислоҳотларни амалга оширишда фаол қатнашаётгани, халқимизнинг осойишталигини муҳофаза этиш ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва фидойилик намунасини кўрсатгани, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:***

**“Фидокорона хизматлари учун” ордени билан**

**Мамо Владимир Адольфович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги корпус командирининг ўринбосари

**Наумов Виктор Владимирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**I даражали “Шон—шараф” ордени билан**

**Чиналиев Зокирали Ниёзқулович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг отряд командири

**II даражали “Шон—шараф” ордени билан**

**Абдураҳимов Ғанижон Муллажонович (марҳум)** — Андижон шаҳар прокурори

**(Давоми 2-бетда).**

*31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни*

## ЮРТ ФИДОЙИЛАРИ ХОТИРАСИ МУҚАДДАС!

*Ўзбекистонимиз миллий мустақилликни қўлга киритиб, озод тараққиёт йўлини танлаганига ўн тўрт йил тўлди. Истиқлол шарофати билан юртимиз бошидан мустамлака бўронлари бартараф бўлди, чин озодлик қуёши порлади.*

*Бу доруломон кунларни орзу қилган не-не аждодларимиз ноҳақ жабру зулмларга дучор этилдилар, мислсиз қатағонларнинг қурбонларига айландилар. Тазйиқу таъқиблар ўтган асрнинг 80-йилларгача турли даража ва миқёсларда давом этди. Мудҳиш қатағон занжирининг бу қадар узун ва шафқатсизлигига доир инкор этиб бўлмайдиган факт ва рақамлар, исботу далиллар Истиқлолдан кейингина бутун тафсилотлари билан юзага чиқа бошлади.*

*Ўтган ўн тўрт йил мобайнида мамлакатимиз ҳаётида рўй берган янгиланиш ва бунёдкорлик ишлари чиндан ҳайратланарли. Зотан, собиқ шўролар замонида мустабид тузум энг сўнгги нафасгача ўзининг қаттол сиёсатини давом эттирган эдики, ўша пайтда бир кун келиб ноҳақ жабр чеккан, “халқ душмани” тамғаси билан қирғинга дучор этилган азиз ватандошларимиз хотираси бугунгидай эътибор ва эъзоз топиши бирор кишининг хаёлига келмагандир.*

*Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаб айтган қуйидаги эътирофи барча ўзбекистонликлар қалбида янгроқ акс-садо берганига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ: “Жафокаш халқимиз асрлар давомида не-не оғир синовлар, машаққатли кунларни кўрмади. Ўз озодлиги, эркинлиги, тинч ҳаёти йўлида курашиб, беҳисоб қурбонлар берган ота-боболаримиз жасорати тарихий хотирамиздан ҳеч қачон ўчмайди”.*

*Истиқлол йилларида бевосита Юртбошимиз ташаббуси билан мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш комиссияси ташкил этилди, Шаҳидлар хотираси ёдгорлик мажмуи бунёд этилди, Қатағон қурбонлари хотираси музейи ташкил қилинди. Бу бағоят савоб ишлар шаҳид кетган аждодлар руҳини ёд этишнинг ноёб имкониятини туғдиради. Деярли ҳар куни Шаҳидлар хотираси ёдгорлик мажмуида, Қатағон қурбонлари хотираси музейида турли ёш ва касб-корга мансуб юртдошларимизнинг зиёрат қилиб юрганини кузатиш мумкин.*

*Музейни айланиб, бу жойдаги битиклардан “қулоқлаштириш” компанияси даврида олтмиш мингдан зиёд ҳамюртимиз Украина, Шимолий Кавказ ва олис Сибирга сургун қилинганини, ўтган асрнинг бошидан қирқинчи йилларгача тўрт юз эллик минг нафар ватандошимизга нисбатан “жиноий иш” очилгани, “пахта иши” даврида эса йигирма беш минг киши ҳибсга олиниб, улардан тўрт ярим минг нафари жавобгарликка тортилганини билиб олиши мумкин.*

*Ватан озодлиги йўлида курашиб, мустабид тузумнинг қувғин-қатағонига учраган юртдошларимизнинг авлодлари қалбида узоқ йиллар армон бўлиб ётган эзгу ниятлар ҳам истиқлол туфайли барқ уриб очилди — ота-боболарининг азиз хотиралари, муборак номлари тикланди, улар юксак эътиборга эришдилар. Илло, Мустақиллик боис юртимизда қатағонга дучор этилганлар хотирасини ёд этиш қутлуғ анъанага айланди.*

*Ватан ва халқ озодлиги, бахт-саодати йўлида шаҳид кетган аждодларимиз хотираси халқимиз ёдида ҳамиша яшайди.*

*Истиқлолимизнинг ўн тўрт йиллигини нишонлаш арафасида биз ҳаётдан бевақт кўз юмган фидойи ватандошларимиз руҳи покларига дуолар ўқиймиз, уларнинг ҳар бирининг номини эъзозлаб тилга оламиз.*



## ИСТИБДОД ҚУРБОНИ

Туркистон маърифатпарварлари ҳаёти ва ижодий фаолиятига оид кўплаб мақола ва рисолаларда Абдуқодир Шакурий номи тез-тез тилга олинади. Хусусан, самарқандлик олим Мўмин Фаттоевнинг “Атоқли педагогларимиз” рисоласида Абдуқодир Шакурий ҳаёти ва фаолияти бой архив материаллари, нашрий асарлар ва хотиралар асосида ёритилган. Лекин унда Абдуқодир Шакурий ҳаётининг сўнгги йиллари ҳақида “лом-мим” дейилмаган. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: Хўш, унинг ҳаёти сўнгги йиллари қандай кечган ва тақдири нима бўлган? Бу саволга жавоб излаб давлат архивида сақланаётган Абдуқодир Шакурийга доир тергов матераиллари билан танишиб чиқдик. «П-13856»-рақамли икки жилдли тергов материалларининг 3-саҳифасида Абдуқодир Шакурий ҳақида НКВД ходимлари тайёрланган маълумотномада унинг олий диний таълим кишиси ва руҳоний оиласидан экани, ўтмишда "Миллий иттиҳод" деган ташкилотининг аъзоси бўлиб, Афғонистонга кетган босмачи Ҳамроқулбек ва татар руҳонийларидан Абдурашид Ироҳимов билан алоқада бўлгани қайд этилади. Тергов материалларининг 44-саҳифада эса Абдуқодир Шакурий 1875 йилда Ражабамин қишлоғида туғилиб, ҳозир ўз қишлоғида боғбонлик билан шуғулланаётгани, ижтимоий келиб чиқиши жиҳатидан қишлоқ имоми экани, муаллимлик қилгани, оила аъзолари ҳақида маълумот берилган.

1937 йил 29 августда айбдор Абдуқодир Шакурий яна қўшимча сўроқ қилинади. Унда Шакурийнинг инқилобгача ва ундан кейинги даврдаги машғулоти, янги усулдаги мактаби очгандан сўнг қаерларга бориб келгани хусусида сўз борган.

"Савол: Сиз инқилобга қадар ва ундан сўнг нима билан шуғуллангансиз, қандай хўжаликка эга бўлгансиз?

Жавоб: "Мен аввало онамдан савод чиқарганман, сўнг "Тилло Қори" ва "Ориф Отанбий" мадрасаларида ўқиганман.

*(Давоми учинчи бетда)*

## ТАНҚИД ЗАМИРИДАГИ ҒАРАЗ

Маълумки, мустабид тузум давридаги қатағоннинг ўткир тиғи биринчи галда халқ оммасининг билимдон қатлами — зиёлиларга қарши ишга солинган эди. Ўша машъум йилларда Ўзбекистоннинг биргина Маориф халқ комиссарлиги сафлари бир неча бор пароканда этилганди. Комиссарликнинг раҳбарларидан тортиб, оддий ходимларгача маълум муддат ишлашга улгурмаёқ аввал шубҳа остига олинар, кейин эса айбдорга айланишарди. “Адолатли” тарзда амалга оширилган бу хатти-ҳаракатларни “учлик судлари” ўзининг “одилона” қарорлари билаш оқлашга уринишарди.

1937 йили чоп этилган "Педагогиканинг предмет ва методи" номли дарсликнинг муаллифларини китобда қайд этилган Олмония тажрибасини етарли даражада танқид қилмаганликда айблашди. Шу баҳонанинг ўзиёқ муаллифларни ишдан ҳайдаш ва ўқитувчиларнинг маърузалари мазмунини текшириш учун етарли баҳона бўлди. Бундай ҳаракатлардан мақсад асло талаба ва ўқувчиларни билимлардан баҳраманд этиш эмас, балки амалдаги мафкурани улар онгига зўрлаб сингдиришдан иборат бўлган.

Умуман, таълим тизими ходимларига қарши қатағонлар ўтган асрнинг 20-йилларидаёқ бошланганди. 1930 йилнинг июн-октябр ойиларида рўй берган воқеаларни эса зиёлиларга қарши уюштирилган катта фитна эди, дейиш мумкин.

Ўзбекистон Давлат архиви фондларида сақланган ҳужжат ва маълумотларда қайд этилишича, машъум 30-йилнинг ёзи ва кузида Маориф халқ комиссарлигига "уя қуриб олган синфий душман"ларнинг "кирдикорлари" фош этилган. Чунончи, Ўзбекистон Олий судининг собиқ раиси Саъдулла Қосимовнинг маориф жабҳасидаги "бузғунчиликлари" очиб ташланган. Бунинг оқибатида Маориф халқ комиссари Маннон Рамзий, унинг муовини Маҳмуд Ҳодиев, халқ комиссарлиги ҳайъатининг аъзоси Боис Қориев (Олтой), масъул ходимлардан Лутфулла Алавий, Носир Саидов, Собир Қодиров, таниқли маърифатпарвар Боту — жами 19 киши қамоққа олинган. Уларнинг барчасини "миллатчи-аксилинқилобчи"га чиқаришган.

Тергов ҳужжатларидан аён бўлишича, айбдорлар ўз "жиноий" хатти-ҳаракатларини узоқ вақт тан олмай "қайсарлик" қилишган. Бироқ мутассил қийноқ ва азоб-уқубатлар охир-оқибат уларнинг иродасини синдиради. Айбланувчи Носир Саидовнинг "иқрорлиги" — бунинг яққол ифодаси.

*(Давоми учинчи бетда)*

### Islohot samaralari

*Мустақилликнинг илк кунлариданоқ инсон манфаатлари, жамиятимизнинг барча соҳаларини демократлаштириш учун ғамхўрлик Президент Ислом Каримов юритаётган оқилона сиёсатда устувор аҳамият касб этиб келмоқда. Истиқлол йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятида қонунийликни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини кучайтириш борасида муҳим ишлар амалга оширилди. Президентимизнинг жорий йилнинг 1 августида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги Фармони суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш йўлидаги босқичма-босқич ислоҳотнинг яққол самарасидир.*

*Давлатимиз раҳбарининг шу йил 8 августдаги “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”ги Фармони бу йўлдаги яна бир янги қадам бўлиб, ушбу дастурий ҳужжат инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, асоссиз жиноий таъқиб ва хусусий ҳаётга аралашишдан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари ҳамда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқи самарали муҳофаза этилишини таъминлашга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Бўритош МУСТАФОЕВ билан Фармоннинг моҳияти ва аҳамияти, шунингдек, унда белгиланган вазифаларнинг ижроси хусусида суҳбатлашдик.*

## СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА ЯНГИ ҚАДАМ

— ***Бўритош Мустафоевич, Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишдан қандай мақсадлар кўзда тутилган ва тизимни либераллаштириш жараёнида қандай натижаларга эришилди?***

— Аввало шуни ишонч билан қайд этиш жоизки, мамлакатимизда истиқлол йилларида демократик тамойилларга мос одил судлов тизими яратилди. Ҳақиқатан ҳам, суд яқин ўтмишда собиқ коммунистик тузумнинг қатағон ва жазо қуроли ҳисобланган бўлса, эндиликда у босқичма-босқич ҳокимиятнинг чинакам мустақил, нуфузли, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли тарзда муҳофаза эта оладиган институтига айланиб бораётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Яна бир муҳим жиҳат — фуқароларимизнинг ҳам суд ҳокимиятига нисбатан ишончсизлиги барҳам топмоқда. Буларнинг барчаси Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида тадрижий асосда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар самарасидир.

1993 йилда қабул қилинган **“Судлар тўғрисида”**ги дастлабки қонундаёқ айбсизлик презумпцияси, ҳимояга бўлган ҳуқуқ, суд жараёнидаги тортишув ва ошкоралик каби бир қатор умумэътироф этилган принциплар мустаҳкамлаб қўйилган эди. Улар кейинчалик Жиноий-процессуал, Фуқаролик-процессуал кодексларида ва бошқа қонун ҳужжатларида янада кенг акс этди.

*(Давоми иккинчи бетда)*

